

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ПАРАЛЛЕЛ УСУЛЛАРДА ТУЗИШНИНГ ТАШҚИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Хамидова С.Я. – Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти “ Агробизнес ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти**

Республикада молиявий ҳисоботларни тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчи корхоналар халқаро стандартлар асосида инвесторлар ва кредиторларни ишончли маълумотлар билан таъминлаш ҳамда ишончини ошириш мақсадида тузиш жараёни амалга ошириб келинмоқда[1].

Шундан келиб чиққан ҳолда МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузиш усуллари қуйидагилардан иборат:

- параллель ҳисоб юритиш (конверсия);
- молиявий ҳисобот трансформацияси.

**1-жадвал**

**МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузиш усуллари**

<b>Параллель ҳисоб юритиш (конверсия)</b>	<b>Молиявий ҳисобот трансформацияси</b>	<b>Фарқли жиҳатлари</b>
Параллель ҳисоб юритиш – бир вақтнинг ўзида юритилаётган БҲМС ҳисоби билан биргаликда МҲХС асосида ҳисоб юритиш. Параллель ҳисоб юритиш чоғида ҳар бир хўжалик операцияси икки марта: БҲМС бўйича ҳисоб юритиш тизимида ва МҲХС бўйича ҳисоб юритиш тизимида рўйхатдан ўтказилади. МҲХС бўйича молиявий	Ҳисоботни трансформация қилиш чоғида БҲМС бўйича мавжуд маълумотлар сторноланади ва уларнинг ўрнига МҲХС бўйича ҳисоб юритиш маълумотлари акс эттирилади. Трансформация – ҳисоб юритишга доир ахборотни қайта гуруҳлаш ва БҲМС бўйича тайёрланган ҳисобот моддаларига тузатиш киритиш йўли	Трансформация қилиш усули корхона учун харажатларни тежаш, кадрлар билимини ошириш, шунингдек аудиторлик ташкилоти ва консалтинг фирмалар томонидан амалга оширилади. Параллель ҳисобда малакавий кадрлар етишмаслиги, бухгалтерия ҳисобини тўғридан тўғри халқаро стандартларда юритиш имкониятини беради.

<p>ҳисобот МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади.</p>	<p>билан МҲХСга мувофиқ ҳисобот тузиш жараёни. БҲМС бўйича ва МҲХС бўйича ҳисоб сиёсатларининг яқинлаштирилиши ҳисоботни трансформация қилиш чоғида киритиладиган тузатишлар сонини камайтириш имконини беради.</p>	
---	---	--

Юқоридаги жадвалга асосан трансформация ўтказиш усуллари:

- Айланма баланси асосида трансформация қилиш методи;
- Баланс асосида трансформация қилиш.

**«Айланма баланси асосида трансформация қилиш»** – БҲМС бўйича Айланма балансидан (АБ) олинган маълумотлар МҲХС счётлари бўйича АБга ўтказилиб, айнан унга тузатишлар киритилади. Олинган МҲХС бўйича АБ асосида ҳисобот тузилади.

- маълумотларни ўтказиш жараёнини автоматлаштириш учун аниқ Счётлар режасига, бухгалтерия дастурига боғланиш зарур;
- МҲХС бўйича Счётлар режасини ишлаб чиқиш талаб этилади;
- Тузатишларнинг бир қисми БҲМС бўйича АБдан МҲХС бўйича АБга маълумотларни ўтказиш чоғида киритилади;
- келгусида МҲХС бўйича ҳисоботни шакллантириш.
- ҳисобот трансформацияси МҲХСда ҳисоб юритиш тизимининг бир қисмига айланса, методдан фойдаланилади.

**«Баланс асосида трансформация қилиш»** – БҲМС бўйича молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотлар МҲХС бўйича ҳисоботнинг тегишли шаклларида ўтказилади; бевосита МҲХС бўйича ҳисобот сатрлари даражасида тузатишлар киритилади. Жараённинг автоматлаштирилиши қўлланилаётган бухгалтерия дастурига боғлиқ эмас; МҲХС бўйича Счётлар режасини ишлаб чиқиш талаб этилмайди; тузатишлар киритиш тизимининг шаффофлиги; МҲХС бўйича ҳисобот дарҳол шакллантирилади. «Баланс асосида» ёндашуви катта

бўлмаган корхоналарнинг ҳисоботини трансформация қилиш ёки «бир марталик» трансформация қилиш чоғида қўлланилади.

Трансформация модели-электрон жадваллар мажмуи, уларга БҲМС буйича бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари, тузатишлар ва натижада олинган халқаро ҳисобот маълумотлари киритилади.

Трансформация жадваллари Excel дастурида ёки компания учун мос бошқа дастурда яратилади. Улар МҲҲС буйича ҳисоботни шакллантириш мақсадида қилинган барча проводкаларни кузатиш имконини беради. Жадвалларнинг аниқ таркиби компаниянинг фаолият турига, унда юритилган бухгалтерия ҳисоби, шунингдек бевосита ҳисобот трансформациясини ташкил этиш даражасига боғлиқ булади.

Ҳисоб-китоблар трансформация методологияси ва компаниянинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ бажарилади. Трансформация модели вақти-вақти билан қайта куриб чиқилади ва зарурат тугилганда компания операцияларидаги ёки стандартлардаги узгартиришларни ҳисобга олиш учун унга узгартиришлар киритилади.

Трансформация жадваллари қулай ва тушунарли булиши керак. Уларнинг ҳаддан ташқари деталлаштирилиши ёки йириклаштирилиши трансформация меҳнат сарфланишига, ўта мураккаб ва катта трансформация жадваллари эса ишда узилишларга ёки кечикишларга олиб келади.

Трансформация модели битта ёки бир нечта MS Excel файли булиб, унда дар битта жадвал алоҳида варақда жойлаштирилади. Жадваллар сони компания операцияларининг хилма-хиллиги ва маълумотлар ҳажмига боғлиқ. Барча жадвалларда назорат сатрлари ва катакчалари албатта мавжуд булади.

Зарурат тугилганда, трансформация моделига қуйидагилар киритилади:

- йиғма трансформация жадвали;
- ишчи жадваллар;
- алоҳида ҳисоб юритиш булимлари буйича трансформация жадваллари;
- тузатишлар журналлари (реестрлари).

Тузатишлар журналида (реестрида) трансформация проводкалари шакллантирилади. Ҳар битта проводкага тартиб рақами берилади, унинг тавсифи, счётлар дебети ва кредити, сумма қайд этилади. Кечиктирилган солиққа проводканинг таъсири ҳам курсатилади. Мураккаб операциялар буйича, шунингдек турли талцинларни назарда тутувчилари буйича аниқ стандартлар қоидаларига ҳаволалар, сумма ҳисоб-китобининг асоси ва тузатувчи проводкалардаги корреспонденциялар келтирилади.

Бухгалтерия баланси (ББ) ва молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот трансформацияси трансформация жадвалида амалга оширилади. Жадвалнинг тепа қисмига ББга алоқадор, паст қисмига эса — МХга алоқадор сатрлар жойлаштирилади.

Трансформация жадвали сатрларининг тузилиши танланган ҳисобот тузиш буйича ёндашувга боғлиқ:

-«балансдан» ёндашуви танланган булса, у ҳолда трансформация жадвали сатрлари— молиявий ҳолат туғрисидаги ҳисобот ва жами даромад туғрисидаги ҳисобот моддаларидан иборат булади;

-«айланма балансдан» ёндашувида жадвал сатрларида МСХС буйича счётлар курсатилади.

Трансформация жадвали сатрларининг тузилиши изоҳлардаги зарур ахборотни очиб бериш учун етарли булгани маъқул.

Сатрлар номи қайд этилган устундан ташқари, жадвалда учта асосий устун булади, уларда бошланғич ҳисоб юритиш маълумотлари, трансформация тузатишларининг якуний суммаси ва тузатилган маълумотлар акс эттирилади. Қушимча устунларга тузатишлар киритилади.

Ишчи жадвалларда ҳисоб юритиш объектлари ва операциялар буйича қушимча йиғма ахборот акс эттирилади, у гуруҳларга ажратилади ва таҳлил қилинади, тузатишлар суммаси ҳисобланади. Одатда, қуйидаги ишчи жадваллар тузилади:

- пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳаракатланиши;
- асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳаракатланиши;
- даромадлар ва харажатлар расшифровкалари;
- инвестициялар ва молиявий қуйилмалар;
- товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;
- кечиктирилган солиқларни ҳисоб-китоб қилиш;
- акциядорлик капитали[3].

Маълумотлар ҳажми катта бўлганда ёки энг муҳим ҳисоб юритиш участкалари учун алоҳида (хусусий) трансформация жадваллари тузилади. Улар тегишли ишчи жадвалга ва трансформация проводкалари журнаliga тааллуқли йиғма жадвалнинг бир қисми ҳисобланади. Маълумотлар алоҳида трансформация жадвалларидан йиғма жадвалга утказилади.

Алоҳида трансформация жадваллари ҳисобот трансформацияси буйича ишни турли ижрочилар уртасида тақсимлаш имконини беради, уларнинг ҳар бирига битта ёки бир нечта ҳисоб юритиш булими бириктирилади.

Электрон жадваллар — МҲХС буйича ҳисобот тайёрлашнинг самарали дастаги, бироқ компания усгани ва ҳисоб юритиш жараёнлари мураккаблашгани сайин электрон жадвалларда яратилган моделлар тез критик миқдорга етади. Бу ҳолда компания МҲХС буйича автоматлаштирилган ҳисоб юритишга утиши лозим.

Трансформация моделига МҲХС буйича ҳисоботлар шакллари курсатилган варақлар ҳам киритилади. Ҳисоботга изоҳларда очиб бериладиган маълумотлар қайд этилган жадваллар ё трансформация моделининг узида, ё алоҳида файлда жойлаштирилади.

1. БҲМС буйича ҳисоб юритиш маълумотлари ҳисобот шакллари ёки айланма балансдан трансформация жадвалига ўтказилади. Бунда қуйидаги қоида қўлланилади: активлар плюс билан, пасивлар эса минус билан, харажатлар плюс билан, даромадлар минус билан акс этирилади.

2. БҲМС буйича ҳисоб юритиш маълумотларини таҳлил қилиш асосида уларга тузатиш киритиш зарурати белгиланади. Тузатишлар суммалари ишчи жадвалларда ҳисобланади. Шундан сўнг тузатишлар журналида (реестрида) проводкалар шакллантирилади.

3. Проводкалар трансформация жадвалига ўтказилгач, жадвалнинг ҳар бир сатри буйича якуний тузатишлар суммаси белгиланади.

4. БҲМС буйича ҳисоб юритишнинг бошланғич маълумотлари ва якуний тузатишлар суммаси жадвалнинг тепа қисмидаги ҳар битта сатр («Тақсимланмаган фойда/зарар» сатридан ташқари) буйича қўшилиб, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг тузатиш киритилган маълумотлари ҳисобланади.

5. Жами даромад тўғрисидаги ҳисобот моддалари буйича тузатиш киритилган маълумотлар худди шу тарзда ҳисобланиб, давр учун соф фойда/зарар аниқланади.

6. Тақсимланмаган фойда суммаси топилиб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш якунига етказилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда МҲХС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш мақсадга мувофиқ. Бу эса инвестор ва кредиторларни

молиявий ҳисобот маълумотлардан тўғри фойдаланишга ҳамда ишончилигини янада оширишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-fevral "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ 4611-son Qarori.

2. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2019. – 227 b.

3. Норбеков Д.Э., Тўраев А.Н., Рахмонов Ш.Ш. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. -332 б.

4. <http://www.accaglobal.com> – Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar to'plami sayti.

5. <https://www.ifac.org>. – Халқаро бухгалтерлар федерацияси расмий сайт.

6. <https://www.mf.uz>. –Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.